



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК
ИНСТИТУТИ**



**Академик И.Х. Иргашев таваллудининг
80 йиллигига бағишланган**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ҲАМДА ЧОРВАЧИЛИК
ИЛМИ ВА АМАЛИЁТИНИНГ
ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАЛАРИ**

**мавзусидаги илмий – амалий анжуман
(2013 йил 6 декабрь)**

ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФИДОЙИСИ

Остонакулов Т.Э., институт ректори

Давлатов Р.Б., Илмий ишлар бўйича проректор

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Ўзбекистон Республикаси фанлар Академиясининг академиги, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, Халқаро ихтирочи, ветеринария фанлари доктори, профессор, “Дўстлик” ордени соҳиби Иргашев Иркин Ҳамидович ҳаёт бўлганларида 80 ёшга тўлар эди.

Иркин Ҳамидович кўп қиррали йирик олим иктидорли педагог, моҳир тарбиячи ҳамда гельминтология, биология, патологик анатомия, иммунитет ва бошқа йўналишдаги илмий муаммоларга бағишланган кўплаб муҳим тадқиқотларнинг муаллифи сифатида илм аҳлига яхши таниш ва кадрлидир. Тарихда муҳим илмий назарий ва амалий аҳамиятга молик тадқиқотлар ва янгиликлар жуда кўп. Аммо Иркин Ҳамидович Иргашевнинг тадқиқотлари ва илмий ишланмалари шуниси билан ажралиб турадики, олим ўз фаолиятида Ўзбекистон ҳудудидаги чорва моллари ва паррандалар орасида кенг тарқалган эхинококкоз, ценуроз ҳамда кўплаб нематодоз каби гельминтозлар ва бошқа ўта хавfli касалликларга қарши курашиш ҳамда олдини олишнинг мақбул ва самарали усулларини ишлаб чиқиш билан бирга зарур ҳолларда носоглом хўжаликларни соғломлаштиришда бевосита иштирок этиб раҳнамолик қилган.

Ушбу соҳаларда эришилган барча илмий ютуқлар мамлакатимизда, МДХ республикаларида ва хатто хорижда ҳам кенг миқёсда тан олинган. И.Х.Иргашевнинг илмий тадқиқотлари ва иш натижалари олимнинг биринчи устози профессор Н.В.Баданин ҳамда илмий раҳбари гельминтология фанининг асосчиси академик К.И.Скрябин томонидан юқори баҳоланган.

И.Х.Иргашев 1933 йилнинг 1 ноябрида Самарқанд шаҳрида таваллуд топган. 1948 йилда Самарқанд шаҳридаги 10-ўрта мактабни тамомлаб, Самарқанд давлат қишлоқ хўжалик институтининг ветеринария факультетига ўқишга кирган ва 1953 йилда ушбу даргоҳни имтиёзли диплом билан тугатган.

Ёш мутахассиснинг илмий изланишларига қизиқувчанлиги ва мойиллиги ҳамда талабалик даврида тадқиқот ишларида фаол иштирок этганлиги инобатга оlinиб “Гельминтология” ихтисослиги бўйича аспирантурага қабул қилинади. 1956 йилнинг май ойида эса диссертант ўзининг “Тўштхўр ҳайвонларнинг гельминтлари ва гельминтозлари” мавзусига бағишланган номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Н.В.Баданин раҳбарлик қилаётган паразитология кафедрасига ассистентлик лавозимига тайинланади.

Ёш ўқитувчи шижоаткорлиги туфайли қисқа фурсатда – 1957 йилда мазкур кафедранинг доцентлик лавозимига сайланади. И.Х.Иргашев туман ветеринария тармоқлари, ветеринария лабораториялари ва ишлаб чиқариш мутахассислари билан доимий равишда узвий алоқа боғлайди. Шунинг таъкидлаб ўтиш лозимки, айнан юқоридагидек кенг қамровли илмий- амалий алоқалар олимнинг фан оламидаги дунёқарашида муҳим ўрин тутади. Яъни, унинг тафаккурида табиатдаги яхлитлик ва ўзаро боғлиқликни эътироф этувчи биологик фалсафанинг моҳиятини ёрқинлаштиради.

И.Х.Иргашевнинг паразитолог олим бўлиб шаклланиш даврида Республикада хайвонларнинг кўпчилик гельминтлари аниқланмаган ёки тўла ўрганилмаган эди. Айниқса, кўп турга мансуб гельминтларнинг Ўзбекистонда турли жугрофий минтақалар шароитида ўзига хос ривожланиш хусусиятига ва патогенез жараёнига эга эканлиги ҳақидаги илмий маълумотларнинг йўқлиги, мазкур хўжаликлар шароитида

самарали соғломлаштириш чора-тадбирлари ўтказишга имкон бермасди. Чунки, ҳар хил минтақалар шароитида гельминтозлар турлича оқимга эга бўлиб, бу муаммо барча олимлар ва мутахассислар учун очилмаган кўриқдек эди.

Ушбу муаммолардан келиб чиққан ҳолда И.Х.Иргашев ўзининг кейинги илмий фаолиятини Ўзбекистоннинг турли минтақалари шароитида гельминтларнинг ривожланиши, патогенези ва экстенс ҳамда интенс тарқалиш даражаларини йил мавсумларига мослаб тадқиқ қилади ва унинг асосида гельминсизлантириш чора-тадбирлари мажмуини ишлаб чиқишга бағишлайди. Ушбу мақсадда Республикамизнинг Сирдарё, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва бошқа вилоятларнинг турли хўжаликлари шароитида кўп минг сонли қўйларда кенг камровли текширувлар ўтказлади.

Олим ўз тадқиқотлари якунида ҳайвонларнинг куз, қиш ва баҳор ойларида инвазияланиш даражаси ортинини эътироф этган ҳолда Республиканинг турли минтақалари учун профилактик тадбирлар мажмуини тавсия этади. Республикамизнинг табиий иқлим шароити, гельминтларнинг эпизоотологияси ва чорвачиликнинг маҳсулот йўналишини эътиборга олган ҳолда вилоятлар ҳудудини шартли равишда суғориладиган, тоғ ва тоғолди ҳамда дашт чўл минтақаларига (зоналарига) ажратади. Шунингдек, ушбу асосда самарали гельминсизлантиришнинг схема ва муддатларини ҳам белгилаб беради. Айни пайтда И.Х.Иргашев гельминтларнинг турли ривожланиш босқичларига (ҳайвон организмида ёки ташқи муҳитда) таъсир этишнинг самарали усулларини излашда давом этиб, ушбу мақсадда фенотиазин ва мис купоросли ош тузи аралашмасини (чўпонлар тилида кўк тузни) қўй организмига таъсири ва антигельминтик хусусиятини ўрганишга қарор қилади.

И.Иргашев томонидан ишлаб чиқилган ушбу ишланма гельминтозларни олдини олишдан ташқари бошқа касалликларни ҳам даволаш самарасини яхшилаш билан бир қаторда чорва мутахассислари ва чўпонларнинг меҳнат унумдорлигини ҳам оширади. Мазкур усулни барча қондаларига риоя қилган ҳолда режали қўллаш юқори даражада иқтисодий самара бериши муаллиф томонидан чуқур таҳлил қилинган ва ҳисоблаб чиқилган.

Кўп йиллик машаққатли ва баракали илмий тадқиқот натижалари "Ўзбекистон шароитида майда шохли молларнинг гельминтоз касалликлари" мавзуйга бағишланган докторлик диссертациясида ўз аксини топади. Қайсики, 1964 йилнинг январ ойида Скрябин номидаги гельминтология институтининг илмий кенгашида олим томонидан ҳимоя қилинади. Бу даврда И.Х.Иргашев атиги 31 ёшда эди. Жаҳонга танилган академик К.И.Скрябин ўз шогирди И.Х.Иргашевни самимий табриқлаб, унга келгуси илмий зафарлар эстафетасини беради. Бир йил ўтгач (1965) ўз соҳаси бўйича профессор унвонига сазовор булади. 1968 йилда эса (3 йил ўтгач) ёш профессор Ўзбекистон ФА мухбир аъзолигига сайланади.

Ушбу йиллари И.Х.Иргашевнинг илмий-услубий раҳбарлигида ва шахсий иштирокида ўта хавfli зооантропоноз касалликлар ҳисобланган ҳайвонларнинг эхинококкози ва қўй ценурозига қарши курашиш борасида муҳим амалий ишлар бажарилади. Ташкилотчи мутахассислар ва маъмурий органларнинг самарали хизматлари эвазига мазкур гельминтозларнинг тарқалишини кескин камайтиришга эришилади. Бу кўрсаткич айниқса, Бухоро вилоятининг қўйчилик хўжаликларида яққол намоён булади.

Мазкур муваффақиятлар ветеринария фанлари докторлари, профессорлар Н.М.Магчанов, А.О.Орипов, М.Аминжонов ва И.Х.Иргашевларнинг узвий илмий ҳамкорликлари ҳамда баракали хизматлари туфайли амалга оширилади. Бу кўрсаткичлар биология ва ижтимоий соҳадаги улкан галаба деб эътироф этилади. Барча

тадқиқотлар якунида ишлаб чиқариш мутахассисларига эхинококкоз ва ценурозга қарши курашни учун илмий асосланган самарали амалий қўлланма тақдим этилади.

Ҳақиқатан ҳам чарчоқ билмас олим И.Х.Иргашев талабчан устоз ва меҳрибон муаллим, жамоатчи ҳам ташкилотчи каби серқиррали фаолият соҳибидир. У кишининг турли соҳалардаги ижодий изланишлари нашр қилинган илмий ишларида, тавсияномаларида, монографияларида, дарслик ва ўқув қўлланмаларида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Шуниси диққатга сазоворки, муаллифнинг китобларидаги асосий маълумотлар хусусий тадқиқотлар маҳсули бўлиб, чорва молларининг турли инвазион касалликларига қарши курашишда дастурул-амал сифатида фойдаланиш мумкин.

Илмий тавсияномалари эса ўзининг аниқлиги, яхлитлиги ва ишлаб чиқариш шароитига мос келиши билан ветеринарлар ва чорвадорларнинг талабига жавоб бера олади. Олимнинг илмий-педагогик фаолиятида 750 дан ортиқ илмий ишлари, 15 та дарслик ва монографиялари нашр қилинган. И.Х.Иргашев илмий-амалий тавсияларга катта эътибор берган ва шу мақсадда 185 та тавсиянома ва қўлланма яратган бўлиб, уларнинг кўпчилиги юқори Давлат органларида муҳокама қилинган ҳамда маъқулланган.

Ушбу даврда у кишининг ўқув, тарбия, жамоатчилик, ташкилотчилик, ветеринария ва чорвачиликда фан-техника тарғиботчиси сифатидаги фаолияти янада уйғунлашади. И.Х.Иргашев паразитология кафедрасида 40 йиллик педагогик ва 30 йиллик мудирлик фаолиятида ўқиш ва ўқитиш усулини ниҳоятда такомиллаштиради. Яъни, машгулотларда техник воситалардан фойдаланиш, фан-техника янгиликларини жорий этиш, мустақил машгулотлар ўтказиш эвазига талабаларнинг билим олиш даражаси ортади.

Олим ўз фаолиятида алоҳида эътиборни ёш олимлар тайёрлашга бағишлаган бўлиб, 42 нафар фан номзоди ва 8 нафар фан докторлари бевосита у кишининг илмий раҳбарлигида ҳимоя қилишган. Улар орасида домла кўп эътибор берадиган ветеринария ва чорвачилик амалиёти мутахассислари ҳам мавжуд. И.Х.Иргашевнинг шогирдлари турли соҳа мутахассислари бўлиб, улар асосан ветеринарлар, тиббиётчилар, биологлар, кимёгарлар ва физиклардан ташкил топган.

У кишининг фаол ташкилотчи ва тadbиркор раҳбар эканлигини эътироф этишган институт раҳбарияти 60-йилларда ветеринария факультетининг декани лавозимига сайлашади. 1964 йилда докторлик диссертациясининг ҳимоясидан кейин эса академик К.С.Скрябин номидаги Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институтининг директори лавозимига тайинланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, И.Х.Иргашев нафақат гельминтология фани билан балки бутун паразитология билан шуғулланган ва қишлоқ хўжалигида чорвачилик тармогининг барча азоб-уқубатларини тўла хис этган ҳола имконияти даражасида ёрдам берган хокисор олимдир. Шунинг учун ҳам И.Х.Иргашевни қишлоқ хўжалигидаги, хусусан ветеринария ва чорвачиликдаги қатор муаммолар каттиқ ташвишлантиради. Талабчан раҳбар ва ташкилотчи олим сифатида танилган И.Х.Иргашев 1978 йилда қайтадан К.И.Скрябин номидаги ЎзВИТИга директорлик лавозимига тайинланади (1978-1986 йиллар).

Академик И.Х.Иргашев ўзининг илмий, илмий-педагогик ва ташкилий жамоатчилик фаолиятида амалга оширган самарали хизматлари эвазига ҳукуматнинг кўп сонли мукофотлари, орденлари, медаллари ва ёрликларини олишга сазовор бўлган.

Устознинг Республикамизнинг мустақиллик йилларидаги фан, таълим ва ишлаб чиқариш узвийлигини ривожлантириш устуворлигини таъминлашдаги самарали хизматлари Давлатимиз томонидан муносиб қадрланиб, 2003 йилда “Дўстлик” орденини олишга мушарраф бўлган. Устоз Иркин Хамидович Иргашев илмий фан фидойиси, йирик олим ва самимий инсон тимсолида барча дўстлари, ҳамкасблари, яқинлари ва шогирдлари қалбида мангу қолажак.